O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 3 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 1 (7300)

Da'vat

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

"Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан тузилган тиббий-ижтимоий патронаж 2000 йилда 20 мингта оилани текширувдан ўтказиб, уларга керакли тиббий ёрдам билан биргаликда мурувват ёрдами ҳам кўрсатди.

Munosabat

ТАБРИКДАН ДИЛ ЭНТИККАНДА...

Табрикка энг тоза ва муборак ниятлар жойланади, жамланади. Кишиларнинг бир-бирларини табриклаб юришлари ҳам, аслида эзгуликнинг бир кўриниши. Табриклар байрам туфайли, туғилган кун туфайли, улкан ютуқ туфайли ва ҳоказо. Қутловлар ичра энг азизи, энг лазизи давлат раҳбарининг ўз халқига йўллаган табриги бўлади.

Барча кутган ва матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг "Ўзбекистон халқига янги йил табриги" ҳар бир юртдошимизнинг юрагида акс-садо бермоқда.

МЕҲР-МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маънавият ва маърифат масалалари бўйича ректор муовини:

— Янги йилнинг эшик қоқиб кириб келишида ҳикмат яширин. Бу — ушалмаган орзулар, дилга тугилган режалар дегани. Ҳали 2001 йил ҳаётимизга кириб келмасдан унга қўйилган номдан юракларимиз бир энтикиб олди: Оналар ва болалар йили.

Президентимиз табригидаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз халққа меҳр-муҳаббатнинг ифодасидек туюлди менга. Айниқса, ***"... фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган етук ва баркамол инсонлар этиб, вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди"*** деган жумлалар бугун юртимизда ёш авлод учун катта саъй-ҳаракатлар бўлаётганлигининг инъикосидир.

Дунё афкор оммаси янги мингйилликнинг илк асрига шитоб билан кириб келди. Ўзбекистон дея аталмиш жаннатмакон юрт XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақил давлат сифатида тан олинди. Ўйлаймизки, янги асрда унинг қадамлари яна ҳам дадиллашади, унинг ҳамкорлари, дўст-биродарлари бугунгидан-да кўпаяди.

* * *

ҚАЛБДА ҒУРУР УЙҒОТДИ

Дилноза РАҲМАТОВА, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт ўйинлари факультети 3-курс талабаси, Мирзо Улуғбек стипендияси совриндори:

— Биз бахтли авлодмиз, XXI аср бизники. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг ҳеч бирини ота-оналаримиз кўрмаган, билмаган.

Юртбошимизнинг ватанпарварлик руҳи билан суғорилган табригини эшитар эканман, юрак "жиз" этадиган сўзлардан энтикдим. Ўзбек деган халқнинг томири бақувват, қадриятлари бой! Унинг бахту камолини кўролмайдиганларнинг бири икки бўлмас! Чунки унинг ортида ўзбек деган кўп қадимий ва хўп қадимий миллат бор!

* * *

Мавлуда ҲАКИМОВА, Жиззах вилояти Дўстлик тумани 7-ўрта мактаб ўқитувчиси:

— Президентимизнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригида «**Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак»,** деган сўзларидан қаттиқ таъсирландим ва ҳаяжонландим.

Янги йилдаги, янги асрдаги бизнинг энг катта ниятимиз мана шу мустақилликка муносиб, уни авайлаб-ардоқловчи фарзандлар тарбиялаш. Уларга бу бебаҳо Ватан қадрини янада теранроқ англатиш. Ўғил-қизларимизни ёвуз ниятли, қабиҳ кишилар таъсиридан сақлаш учун биз — ота-оналар, мураббийлар қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз.

БАХТЛИ БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ

Янги асрнинг дастлабки — 2001 йилини жажжи ширинтойлар шоду хуррамлик билан кутиб олдилар.

Кенг ва ёруғ хона янги йилга хос жиҳозлар билан безатилган. Ранг-баранг ўйинчоқлар билан безатилган ўрмон маликаси — яшил арча хонанинг ўртасида салобат тўкиб турибди.

Эрталикда кичкинтойлар иштирокида "Қор маликаси боғчада" эртаги намойиш қилинди. Эртакдаги воқеалар ривожида мурғак қалблар яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишининг гувоҳи бўлдилар.

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 206-"Бахтли болалик" мактабгача ва бошланғич таълим мажмуасида арча байрамига бағишланган эрталик ана шундай мазмунли ва мароқли ўтди. Мажмуада 15 та боғча гуруҳи ва 6 та бошланғич синф (3 таси русийзабон) мавжуд бўлиб, уларда 465 нафар жажжи ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Масканда таълим-тарбия соғломлаштириш, соғлом авлод дастури, маънавиятмаърифат, янги педагогик технология йўналишлари бўйича ташкил этилган. Илк ёшлилар гуруҳидаги кичкинтойлар янги педагогик технология — ихтиёрий масалалар ечиш назарияси, Монтессори услуби асосида тарбияланаётир. Маънавият-маърифат бўйича кичик музей ташкил қилинган бўлиб, ундан буюк алломалар портретлари, қадимги буюмлар ўрин олган. Ҳар бир гуруҳ маънавият-маърифат бўйича алоҳида иш олиб бормоқда. Жумладан, тарбиячи Г.Тошпўлатова "Мерос" тўгарагини бошқаради. Тўгарак машғулотларида кичкинтойлар қадимий обидалар, қурилишлар, ишланган буюмлар ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Шунингдек, мажмуада соғломлаштирувчи у-шу, самбо, таэквандо, экология, шашка, баскетбол, "моҳир қўллар", инглиз тили каби тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Нафосат тўгарагида жажжи қизалоқлар дастурхон ясатиш, меҳмон кутиш, турли пиширириқлар пишириш ўрганаётирлар.

Илғор тарбиячилардан Галина Филатованинг "Яшил патруль" мавзуидаги иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштириш режалаштирилган. Мажмуа 259- ва 260-мактаблар билан ҳамкорлик ўрнатган.

(Давоми 2-бетда)

Суратларда: янги йилга бағишланган байрам эрталигидан лавҳалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

XXI АСРДА Ma'rifat СИЗ БИЛАН

Янги — XXI асрга ўтиш ҳар кимга ҳам насиб қилмаслигини ҳаётда кўряпмиз. Бу давр тарихий воқеа эмасми? Қолаверса, қай шароитда янги асрга қадам қўймоқдамиз? Боболаримиз XX асрни қандай кутиб олишган? Ахир, улар Дукчи Эшону ва бошқа юрт мустақиллиги учун қурбон бўлган инсонларсиз, мустамлака сиёсатининг мудҳиш занжири чангалида XX асрга қадам қўйгандилар. Биз-чи? Биз XXI асрга ўша занжирларни парчалаб ўтдик!!! Бу тарихий воқеа!!! Янги асрга бир олам орзулар ва бу орзулар рўёби учун имконият яратиб ўтдик. Доимий мавзумиз — таълимдан биргина мисол. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур Миллий дастурнинг моҳиятида баркамол шахсни тарбиялаш мақсади ётибди. Шу боис ҳам Юртбошимизнинг "Ўзбекистон халқига янги йил табриги"да "... Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди", деган эътирофларидан киши фахрланади. 2001 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи якунланади. Бу "Ma'rifat"нинг биринчи мавзуси бўлади: босқични қандай якунлаяпмиз? Ҳокимдан бошлаб, таълим раҳбарию ўқитувчи, ўқувчи, ҳатто ота-оналаргача бу босқичда қандай қатнашдилар, ўз вазифаларини қай даражада англадилар ва бажардилар каби саволларга жавоб излаймиз.

Мазкур йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши ҳам юқорида таъкидланган баркамол авлод орзусининг тасдиғи, Ўзбекистоннинг устувор сиёсатидир.

Халқ сафарбарлигини тақозо этадиган ҳар қандай амалий иш жипсликни талаб этади. Бир мақсад йўлида муқаддас байроқ — миллий истиқлол ғояси воситасида бирлашиш мумкин. Шу боис, Миллий истиқлол ғоясини тарғиб ва ташвиқ этиш "Ma'rifat"нинг доимий мавзусидир.

Боболар ўгитисиз, яъни тарихсиз келажак йўқлиги бугун барчага аён. Шу боис боболар меросини ўрганиш газетанинг асосий вазифаларидан бўлиб қолаверади. Шу маънода мазкур йилимиз 560 йиллик тўйи нишонланиши кутилаётган буюк бобомиз Алишер Навоийни англаш, унинг асарларини ўрганишга яна бир қадам бўлади. Фурсат ғаниматда мутахассисларимизнинг қисқа, лўнда ва содда ишланмаларини кутамиз.

Muharrir minbari

Кўп сонли муштарийлар "Ma'rifat" сабоқларини йўлга қўйишни талаб этишмоқда. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси сабоқларини бериб боришни режамизга киритдик. Бундан икки йил аввал чет тили, хусусан, инглиз тилидан сабоқлар беришга уриниб кўрганмиз, бироқ бу ишнинг биз ўйлаганчалик осон эмаслигидан у орзулигича қолиб кетганди. Бу йил газета саҳифасида инглиз тили бўйича сиртқи дарс ташкил этишни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан келишиб олдик. Бу борада махсус ишчи гуруҳи ҳам тузилди.

Бугун тест тушунчаси таълим тизимида кенг қўлланилмоқда. Таълим дастурларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртига кириш ва ҳоказо жараёнлар тест асосида амалга оширилмоқда. Шу боис ўқитувчиларимиз ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимидаги оралиқ, якуний назорат учун фойдаланиладиган тестлар чоп этишимизни сўрашган. Бу таклифни бажариш ҳам имкониятимиз доирасидадир.

"Ёш ўқитувчиларга ёрдам" рукнини яна тиклаб, ёш педагогларимизга кўмак бериш ниятидамиз. Мактабларда хизмат қилаётган руҳшуносларимиз ҳам газета орқали қўшимча маълумотлар оладилар.

Ўтган йилги "Меҳмонхона", "Спорт майдончаси", «Дунё даричаси» саҳифаларимиз ўз ишини давом эттиради. Дарвоқе, таҳририят "Интернет" тармоғига уланди. Бундан буён халқаро саҳифамизни янада тезкор ва мазмунли чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Обунанинг якуни ҳақидаги батафсил таҳлилни кейинга қолдириб, таълим мутасаддиларининг эътиборини бир жиҳатга қаратмоқчи эдик. Республикамизда 9 мингдан зиёд мактаб, бундан ташқари қанчадан-қанча коллеж, лицей ва мактабгача таълим муассасалари бўлсада, "Матбуот тарқатувчи" АЖнинг 1 январгача берган маълумотига кўра, ундан бор-йўғи 2771 таси газетага обуна бўлибди. Бу қарийб 6 мингта мактаб кутубхонасида, яъни таълим муассасасида "Ma'rifat" тахламлари бўлмайди, деган гап. Ўйлаймизки, кейинги ойдан бу миқдор кўпаяди. Айни кунларда февраль ва ундан кейинги ойлар учун обуна давом этмоқда.

Янги асрнинг илк кунларидаги газетамизнинг илк сони 36750 нусхада тарқалмоқда. Кези келганда Сиз, азиз муштарийларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, бизга бўлган ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз. Бирга бўлайлик, азизлар!

Fikr, mulohaza, taklif

ИҚТИСОДИЁТНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК?

Кўпчилик фанлар бўйича ягона андозадаги намунавий дастурларнинг яратилиб, фойдаланиш учун тавсия қилинмаганлиги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битта фаннинг ҳар хил дастурлар асосида ва турли номлар билан ўқитилишига, бунинг натижасида давлат таълим стандартлари талабларидан бирмунча четлашиш ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай салбий ҳолатлар ҳам ижтимоий гуманитар, ҳам аниқ ва мутахассислик йўналишидаги фанларга тегишлидир. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизим билан бирга марксизм кўринишини олган, назарий-иқтисодий фан "Сиёсий иқтисод"нинг таназзулга учраши кўпчилик ўқув юртларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШдан кириб келган турли хил вариантлардаги "экономикс" китоблари кўр-кўрона нусха кўчириб ўқитила бошланишига сабаб бўлди. Бу, биринчидан, назариянинг реал воқеликдан ажралиб қолишига, "янгича ғоялар" билан иқтисодиётдаги рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлар туб мазмуни ўртасидаги номувофиқлик ортиб боришига олиб келган бўлса, бошқа томондан мазкур ҳолат билан анъанавий иқтисодий фанлар бир неча ўнлаб йиллар давомида эришган барча ижобий ютуқлар билан Унинг предмети ҳам тўлиғича инкор қилинди. Бу ҳолатлар 90-йилларнинг ўрталарида ўқув юртларида мутахассис тайёрлаш сифатида ва уларнинг иқтисодий тафаккур доирасида салбий оқибатлари билан ўз ифодасини топди.

(Давоми 2-бетда)

МАХСУС ФАНЛАРДА ЎЙИН ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Бугунги кунда Олмалиқ тоғ-маъданчилик техникумида таълим технологияларининг турли хил янги ва қизиқарли усулларига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Гапни чўзиб ўтирмай, улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Масалан, "Кичик станцияларда трансформатор сони ва қувватини танлаш" ишбилармонлик ўйини "Саноат корхоналари ва қурилмаларни электр билан таъминлаш" махсус фани учун ўқитувчи О.Колосова томонидан ишлаб чиқилган. Қоидага кўра, бу бир нечта фикрларни ўзаро боғловчи касбий ўйин бўлиб, ўртача даражадаги мутахассиснинг меҳнат фаолиятида қўл келадиган касбий малака ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган. Ушбу ишбилармонлик ўйини ўзида ўйин ва таълим масалаларини мужассамлаштиради. Ўйин шакли ўқувчиларни ўзига жалб қилиб, уларда масалаларни ечишга қизиқиш уйғотади, ўз билимларини фаол қўллашларига ёрдам беради ва жамоа билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилади.

Мазкур ишбилармонлик ўйини ўтказиладиган дарс қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

— **ўқитувчи ўйин шартлари бўйича тушунча беради** (мақсад, мазмун, охирги натижа, жамоа ташкил қилиш ва ролларни тақсимлаш);

— **ўйин иштирокчилари томонидан тартиб-қоидалар ўрганиб чиқилади** (*сценарий, ўйин шартлари, дидактик материаллар*);

— **ўйин бошланади** (*ҳолат ўрганилиши, қарор муҳокамаси ва уни қабул қилиш, қўйилган мақсадга эришиш, ўйин масалаларини расмийлаштириш*);

— **қабул қилинган қарор "техник кенгаш"да оммавий "ҳимоя"ланади;**

— **хулосалар ясалади ва ўқитувчи ўйинни таҳлил қилиб беради** (иштирокчилар фаолияти ва фаоллигининг таҳлили, эришилган натижа таҳлили ва уни баҳолаш, ўйинда йўл қўйилган хатолар ва уларнинг сабаблари, иштирокчиларни баҳолаш);

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• 2001 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқига янги йил табриги матбуотда эълон қилинди.

• Янги йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига дунёдаги кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди.

• БМТ Бош котиби Кофи Ананга бир неча жамоат ташкилотлари мурожаат қилиб, дунё бўйича ўлим жазосини бекор қилишда фаоллик кўрсатишга чақирди. Бироқ, Бош котиб жаноблари бу масала аввало ҳар бир мамлакатнинг ўзида ҳал этилиши лозимлигини билдирди.

• Югославия иқтисодиётига сармоя киритишни тўхтатиш юзасидан Япония ҳукумати 1998 йилда жорий этган таъқиқ бекор қилинадиган бўлди. Бу қарор февраль ойидан кучга киради ва югославияликлар Япония банкларида сақланаётган маблағларидан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

• АҚШ Президенти Билл Клинтон таклиф этаётган, Фаластин ҳамда Исроил ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишга қаратилган умумий келишув ғояси Фаластин озодлик ҳаракати томонидан рад этилди. Бу таклиф БМТнинг 194-, 242- ва 338-резолюцияларига зид деб топилди.

Иқтисодиёт назарияси ва умуман иқтисодий фанларни ўқитишнинг самарадорлиги турдош фанлар предметлари чегарасининг қанчалик тўғри аниқланиб олинишига боғлиқ.

Бошланғич синф ўқитувчилари алифбегача бўлган даврда қанчалик эринмасдан астойдил меҳнат қилсак, ўқувчиларимиз шунчалик аниқ ва равон сўзлашни, тўғри талаффуз қилишни ўрганадилар.

ИҚТИСОДИЁТНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ақидага айланиб қолган "капиталистик" ва "социалистик" тушунчалар ўртасида чегара қолмади ҳисоби. Уларни сунъий равишда ажратиш мустақил ривожланиш ва жаҳон ҳамжамияти билан яқинлашув йўлига ўтган мамлакатдаги ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлади, холос.

Шу ақидани ҳисобга олиб, иқтисодий тараққиётдаги ўз андозамиз ва хусусиятларга мос келадиган иқтисодиёт назарияси фанини яратишда, мавжуд ижобий ютуқларни тўлиқ инкор қилиш йўлидан бормасдан, балки ҳар иккала йўналишдаги ("Сиёсий иқтисод ва "экономикс") иқтисодий фанларнинг предметини синтезлаштиришга эришиш лозим бўлади. Янгидан шаклланиб борадиган "Иқтисодиёт назарияси" фани доирасида республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли мавжудлиги ифодасини топиши зарур. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилини фаннинг негизига сингдириш лозим.

Иқтисодиёт назарияси ва умуман иқтисодий фанларни ўқитишнинг самарадорлиги турдош фанлар предметлари чегарасининг қанчалик тўғри аниқланиб олинишига боғлиқ. Бу, аввало, иқтисодиёт назарияси, микро ва макроиқтисод фанларига тегишли. Ҳозирги кунда республикамизда мазкур фанлар бўйича тузилган дастурларда ва яратилган ўқув адабиётларида кўпдан-кўп бир-бирини такрорлашлар ёки ғарб вариантларидан ўзгаришсиз нусха кўчиришларни кузатиш мумкин. Бу уларнинг реал иқтисодий ҳаётдан узилиб қолишига, амалий аҳамиятининг пасайиб боришига ва ўқитишда қироатхонликнинг кучайишига сабаб бўлади. Шу сабабли, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида унинг тасарруфидаги ўқув юртларида ўқитиладиган барча фанларнинг намунавий дастурларини яратиш бўйича етакчи профессор-ўқитувчилардан иборат ижодий ишчи гуруҳлари тузилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Улар томонидан яратилган дастур ва бошқа ўқув адабиётлари республика мувофиқлаштирувчи комиссиясига кўриб чиқиш учун тавсия қилинади.

Ҳозирги кунда иқтисодий фанларни ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашда ўқув адабиётларининг сифати, талабаларнинг улар билан таъминланиш даражаси, профессор-ўқитувчиларнинг илмий, касбий ва маънавий тайёргарлик даражаси каби омиллар ҳам кам аҳамиятга эга эмас.

Булардан ташқари, мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув режаларида иқтисодиёт назарияси фани учун ажратиладиган соатлар юкламаларини қайта кўриб чиқиш вақти келди. Фақат кейинги 7-8 йил давомида бу фан учун ажратилган соатлар ҳажми барча ўқув юртларида 2-3 мартагача қисқарди. Ўқув дастурларидаги мавзуларнинг тиғизлигини ҳисобга олиб, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари ва ноиқтисодий олий ўқув юртларининг иқтисодий йўналишидаги факультетларида мазкур фан учун ажратиладиган ўқув соатлари 250-300 ҳажмда белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Олий (ўрта махсус) ўқув юртларини бакалаврлик даражасида битирувчиларни "Иқтисодиёт назарияси" фани бўйича Давлат Аттестация Комиссияси (ДАК)дан ўтказиш керак. ДАК вазирлик даражасида киритилиб, олий ўқув юртлари ректорлари томонидан тузилган нуфузли комиссиялар ёки бошқа мутасадди ташкилотлар (масалан, Давлат тест маркази) томонидан ўтказилиши унинг самарадорлигини таъминлайди. Бу эса барча иқтисодий фанлардан талабаларнинг олган барча назарий ва амалий билимларини қайта мушоҳада қилишга ундовчи асосий омилдир.

Шундай қилиб, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида собиқ иқтисодий тизим инқирози туфайли иқтисодий-назарий фанларга нисбатан шаклланган салбий қарашларни бартараф қилиш, уларнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги нуфузини тиклаш ва мавқеини реал белгилаш кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришнигина эмас, балки иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг ҳам муҳим шартидир.

Тошболта ЖЎРАЕВ,
Тошкент Молия институти "Умумиқтисодий назария" кафедраси мудири

Maktabgacha ta'lim

Пискент туманидаги 6-"Пахтаой" болалар боғчасида 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, унда 130 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Масканда таълим-тарбияга оид машғулотлар экология ва соғломлаштиришга йўналтирилган.

УМИДИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ

Тарбиячилар машғулотларни Монтессори услуби, ТРИЗ сингари янги педагогик технологиялар асосида қизиқарли, жонли ва мужассам тарзда олиб бораётирлар. Масканда мониторинг хонаси мавжуд. Инглиз тили, меҳнат, экология, жисмоний тарбия тўгаракларида болажонлар хизматида.

Болалар боғчаси Ҳамза номидаги ҳамда Акмал Икромов номидаги мактаблар билан ҳамкорлик ўрнатган. Тарбиячилар ўқитувчилар билан тез-тез учрашиб, мактабга чиққан собиқ тарбияланувчиларининг соғлиги, ўқишга муносабати билан қизиқиб турадилар.

Мазкур ширинтойлар гулшанида тарбияланаётган нозик қалблар келажакда жамиятимизнинг гуллаб-яшнашида муносиб улушларини қўшадилар, деган умиддамиз.

Дилбар ФАЙЗИ қизи

МАХСУС ФАНЛАРДА ЎЙИН ЭЛЕМЕНТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Саноат корхоналарини электр билан таъминлаш" фани бўйича курс иши лойиҳаларини бажариш жараёнида илмий изланиш усули ҳам ўзининг теранлиги ва яхши самара бериши билан ажралиб туради. Унга кўра, технологик амалиётга чиқишдан аввал ҳар бир ўқувчига махсус илмий вазифа берилади. Саноат корхоналарида эса улар мустақил илмий изланиш олиб борадилар, сўнгра дарсларда изланиш натижалари ҳақида маъруза ўқийдилар ва уларни зарур ҳисоб-китоблар, чизмалар, курснинг назарий тушунчалари ёрдамида асослаб берадилар.

Ишлаб чиқариш иқтисодиёти фани ўқитувчиси Г.Илёсова фойдаланаётган "ўз-ўзини бошқариш" усули ҳам янги педагогик технологиялар орасида диққатга моликдир. Бундай дарсларнинг асосий мақсади ўқувчиларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳаётий масалаларни ҳал қилишда фаоллик ва масъулиятни ошириш, ишлаб чиқариш қувватини оширишга йўналтирилган тадбиркорлик ва бошқарувчилик белгиларини юзага чиқаришдир.

Талабаларнинг ўқув-касбий даражаларини ошириш ва назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида айни пайтда ишлаб турган тоғ корхоналари ва очиқ конларга саёҳат-дарслари ҳам ўтказиб турилади. Зотан, техник тараққиётнинг ўсиши ва технологик жараёнларнинг кундан-кунга янгиланиб бораётганлиги ҳам айнан шуни тақозо қилади.

Олмалиқ тоғ-маъданчилик техникумида бундай саёҳат-дарслар мутахассислик фани ўқитувчиси Е.Клопман иштирокида ўтказилиб, ўқувчилар корхона мутахассислари билан бевосита биргаликда Қолмақир конига ташриф буюрадилар.

Одатда тоғни портлатишга тайёрлаш ва портлаш жараёнини кузатиш талабаларда жуда катта қизиқиш уйғотади. Ҳар бир саёҳат уларнинг билим ва тажрибасини тўлдириб бориш билан бирга, бўлажак касбига қизиқишини оширади.

Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг марказий таҳлил лабораториясида, ўқитувчи Т.Сон томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида олиб бориладиган амалий машғулотлар эса фанларнинг янги қирраларини очишда муҳим рол ўйнамоқда. Бундай машғулотлар чоғида ўқувчилар энг замонавий мосламалар ҳамда миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг янги усуллари билан танишадилар. Машғулотларнинг бу жойда олиб борилиши уларнинг ҳаётий бўлишига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Олмалиқ тоғ-маъданчилик техникумида таълим ислоҳотларининг самарали натижаси учун энг муҳим гаров бўлмиш янги педагогик технологиялардан ўринли фойдаланилмоқда. Ва, албатта, бу келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиздир.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Маърифат" мухбири

ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ БОЛАЛАР БИЛАН

Ta'til

Мустақиллик майдонидан одам аримайди. Майдоннинг қоқ ўртасига ўрнатилган кўм-кўк арча безаклари киши дилига ажиб туйғуларни солади. Янги йил, янги аср, янги мингйиллик тантаналари ичида кечаётган мактаб ўқувчиларининг қишки таътили эсда қоларли бўлиши учун кўп ҳаракатлар қилинди.

Эртак қаҳрамонлари-ялмоғиз кампир, қуён, бўри, шер, айиқполвонни кўрган болалар чиндан-да яйрашди, чинданда қувнашди. Байрам тадбирларида пойтахтдаги мактабдан ташқари муассасалари жамоаларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Янги йил арафасида Мустақиллик майдонининг нақ биқинида жойлашган "Баҳор" концерт залига йиғилган болажонлар ҳукмига "Зумрад ва Қиммат" эртаги асосида ишланган саҳна асари намойиш қилинди. Меҳрибон ва оқила Зумраднинг қор парчалари, қорбобо ва қорқизга, ўрмонда яшовчи кампирга ҳам ёқиб тушиши, инжиқ Қимматнинг ўз онасидан бошқа ҳеч кимга ёқмаслиги, охир-оқибатда аждарҳо чангалида қолиши... Бир сўз билан айтганда, эртак ўз эгаларига ўз мазмун ва моҳияти билан етиб борди.

"Баҳор" ансамблининг рақсалари томонидан саҳналаштирилган байрам театри таътил мобайнида яна минглаб болажонларга намойиш қилинади.

Мухбиримиз

ТАБРИКЛАР ҲАР ХИЛ ТИЛДА ЯНГРАДИ

Tadbir

Мана, юртимизга кириб келган янги 2001 йил билан бирга халқимиз янги аср, янги мингйиллиқни ҳам қарши олди. Ўлкамизга эзгу ниятлар, юксак зафарлар, тубдан янгиланишлару фаровон ҳаёт бахш этувчи XXI аср қадам қўйди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча таълим-тарбия муассасаларида янги йил шодиёналари давом этмоқда. Ана шундай байрам тадбирларининг бири Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ҳам бўлиб ўтди.

Катта арча турли хил ўйинчоқлар билан безатилиб, ён-атроф эртакдаги қасрга айлангандек эди, гўё. Янги йил қаҳрамонлари Қорбобо, Қорқиз, Қуёнча, ҳатто Ялмоғиз кампирнинг байрамга ташрифи ушбу тадбир мазмунини бойитди. Лицей ўқувчилари араб, форс, корейс, япон, ҳинд ва инглиз тилларида саҳна кўринишларини тайёрлашиб, меҳмонларга байрам табрикларини ана шу тилларда изҳор этдилар.

Тадбирни лицей директори Шавкат Орипов табрик сўзи билан якунлаб, барчага янги йилда янги зафарлар тилади.

Наима МИРҲОЖИЕВА,
лицей ўқувчиси

БАХТЛИ БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида мазкур маскан болалари мактабга чиққанларида ҳам таълим-тарбияга оид билимларини давом эттирадилар, яъни боғчадаги барча тўгараклар мактабда ҳам мавжуддир. 1997 йилда 3 та синф билан фаолият бошлаган мажмуа 1999-2000 йилда дастлабки 50 нафар қалдирғочини мактабнинг 5-синфига кузатди.

Масканда оила, боғча, мактаб узвийлигини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг август ойида "Ота-оналар университети" ташкил этилди. Унда намунали оилалар тажрибаси оммалаштирилаётир.

2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан услубчи Ақида Раупова "Оналар мактаби"ни ташкил этиб, унда ёш оналарга тажрибали, намунали оналар ва психолог маслаҳатлари асосида иш олиб бориш режалаштирилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Direktor minbari

ЭЪТИБОРДАН КЕЙИНГИ ЮКСАЛИШ

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан буён ёш авлод таълим-тарбиясига энг муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилиб келинмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур"нинг қабул қилиниши ва уларнинг босқичма-босқич амалиётга жорий қилиниши таълим соҳасига кўрсатилаётган эътибор намунасидир. Бундан ташқари, ўқитувчи меҳнатининг қадр топиши, маърифатпарвар ҳомийларнинг мактабларга кўрсатаётган беғараз ёрдамлари ҳам таъкидлаб ўтса арзийдиган қувончли ҳолдир. Ушбу умум эътибори самараси ўлароқ, айтиш мумкинки, сўнгги йилларда мактабларда юксалиш, ёш авлод онгида ривожланиш жараёни тезлашгани кузатилмоқда. Бунга ривожланган чет эл давлатларида таҳсил олаётган ёшларимизнинг билим доиралари ва иқтидорига хорижлик мутахассислар бераётган юксак баҳо ҳам мисол бўла олади.

Давр ўзгаришлари, янгиланишлар ва ривожланиш талаблари асосида биз, Шароф Рашидов тумани Фурқат номидаги 9-ўрта мактаб жамоаси ҳам аҳилликда ҳаракат қилаяпмиз.

Айни кунда, мактабимизда 35 нафар ўқитувчи бўлиб, уларнинг барчаси ҳам ўз касбини жондан севадиган, фидойи муаллимлардир. Ўқитувчиларимиздан Ойсара Жиянмуродова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени, Яхшилиқ Бектемиров эса "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондорларидир. Тажрибали мураббий Яхшилиқ Бектемиров мактабда муаллимлик қилиш билан бирга, мактабимиз жойлашган "Бахмаллик" маҳалласига ҳам раислик қилади. Шу боис, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, мактабнинг ота-оналар билан ҳамкорлигини ҳам тўғри ташкил этишга эришганмиз.

Ҳомий ташкилотлар билан ҳам мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган бўлиб, биноларни таъмирлашда, ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, аълочи ўқувчиларга стипендиялар жорий этишда улар беминнат ёрдамини аямаяптилар. Хусусан, бу йил оталиқ ташкилотимиз "Бахмал" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси мактабимизни тўлиқ таъмирлаб бериш билан бирга, 10 нафар аълочи ўқувчининг ҳар бирига ўтган ўқув йили бошидан буён 500 сўмдан стипендия бериб келмоқда. Шунингдек, уюшма кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик билан таъминлаш мақсадида ҳам ҳар йили 15 минг сўмдан маблағ ажратиб келмоқда. Шунингдек, ҳомийларимиз — "Давр" ва "Бахмаллик" фермер хўжаликлари ҳам дарслик учун ҳар бири 10 минг сўмдан пул ажратишди. Янги ўқув йили бошидан ушбу фермер хўжаликлари икки нафардан аълочи ўқувчиларга ўз стипендияларини ҳам жорий қилишди.

Булардан ташқари мактабимиз ихтиёрида 10 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, мана иккинчи йилдирки, бу бизнинг даромад манбаимизга айланган. Ерни 10 йил муддатга ижарага олганмиз. Мактаб қошида фермер хўжалигини ташкил этмоқчимиз. Ҳозирда тушган фойда ҳисобига, асосан ўқитувчиларимизни моддий рағбатлантираяпмиз. Етишмаётган педагог кадрларни ҳам шартнома асосида, даромад ҳисобидан қўшимча ҳақ тўлаб, ишга жалб этганмиз. Икки нафар энг аълочи ўқувчига эса, 600 сўмдан мактаб стипендияси бериб борилмоқда.

Туман мактаблари ичида мактабимиз энг яхши спорт майдонига эга бўлган даргоҳ ҳисобланади. Шу боис, ўқувчиларимиз орасида спортга қизиқиш кучли. Бу ерда нафақат мактаб ёхуд туман, балки вилоят миқёсида ҳам йирик спорт мусобақалари, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Айни кунда фаол иш олиб бораётган Мониторинг ва Ташхис марказларимиз, янги китоб ва қўлланмаларга бой кутубхонамиз ўқувчиларнинг билим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Турли соҳа, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси ходимлари билан мунтазам учрашувларнинг ўтказиб турилиши туфайли, ёшларнинг турли оқимларга, ёмон йўлларга кириб қолишининг олдини олаяпмиз. Ибратли жиҳати, мактабимиз тарихида ҳали бирон марта ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқни бузиш ҳодисалари содир этилмаган.

Юртимизда таълим-тарбия соҳасига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда таълим самарадорлигига эришиш, сифат юксалишини янада юқори поғонага кўтариш биз ўқитувчилар учун масъулиятли вазифадир.

Умаркул АБДУЛЛАЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги 9-ўрта мактаб раҳбари

Tajriba, sinov, natija

ЖАМИЖАМАР ЎҚИТУВЧИЛАРГА БОҒЛИҚ

ЁХУД "АЛИФБЕ"ГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ

Мактаб ёшигача болалар боғчасига бормаган болаларнинг нутқи боғчага борган болалар нутқига нисбатан анча заиф бўлишини барча ўқитувчилар яхши билишади.

Биз биринчи кундан бошлаб ҳар бир ўқувчининг сўзлашув нутқини сўзлатиб, текшириб кўрамиз. Сўзлашув оддий ва ҳаётдан олинган сўзлардан иборат бўлади. Масалан: исми, фамилияси, ота-онасининг исмларини сўрашимиз мумкин. Ўқувчининг жавобини диққат билан тинглаймиз ва дарҳол ўқувчи нутқининг нечоғли эканини аниқлаймиз. Шу тариқа синфдаги ўттиз ўқувчидан беш нафарининг нутқи заифлиги аниқланса, ҳар қайси ўқувчига алоҳида қулай услублар (суҳбат услуби, расмларга қараб сўзлаш, санаш, тез сўзлаш) ва методик қўлланмалардан фойдаланамиз. Ўқувчилар ҳарфларнинг номини тўғри, аниқ ва равон баён эта олса, бундай ўқувчилар сўзларни ҳам тўғри талаффуз эта олади. Шунинг учун биз Алифбони ўқитиш орқали такрорлаб боришга ўрганамиз ва ҳар бир ўқувчининг ҳарфларни қандай талаффуз этаётганлигини диққат билан кузатамиз. Масалан, ўқувчи р, ф, з, ж, ш товушларини нотўғри талаффуз этиши аниқланади. Шундан сўнг биз бу ўқувчилар билан товушларни алоҳида такрорлаймиз ва шу товушлар иштирокидаги сўзларни бўғинларга ажратиб, аниқ ва равон қилиб оғзаки талаффуз эттирамиз. Масалан, трактор, футбол, шолғом, рамка, занжир каби сўзларни такрорлаб бўлгач, шу нарсалар нима учун ишлатилиши ва қаерларда бўлиши ҳақида суҳбат ўтказамиз. Суҳбатдан сўнг шу нарсаларнинг қоғоздаги суратлари доскага илиниб қўйилади ва шу нарсаларнинг номлари яна такрорланади.

Бундан ташқари, синф, мактаб ва оиладаги барча нарсаларнинг номлари ҳам бўғинга ажратилган ҳолда оғзаки талаффуз этилади. Талаффуз даврида ҳар бир ўқувчининг нутқидаги камчилиги аниқланиб, изоҳ берилади. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини янада ўстириш учун турли хилдаги расмлар ва плакатлар катта ёрдам беради. Плакатлардан энг муҳимини доскага илиб қўямиз ва ўқувчиларнинг диққатини шу расмга қаратамиз. Аввал ўқувчиларни навбат билан сўзлатамиз. Шунда ўқувчиларнинг оғзаки нутқларидаги камчиликлар аниқланади ва бу камчиликларни бартараф этиш учун аниқ қилиб, ўқувчилар билан биргаликда такрорлаб чиқамиз.

Демак, расмга қараб сўзлашни ўрганиш, ўқувчиларнинг фақат оғзаки нутқини ўстирибгина қолмай, балки ёзма нутқларида ҳам катта аҳамият касб этади. Бунинг исботи шундаки, синфдаги ўқувчиларнинг қайси бири тўғри ва равон сўзлашни билса, ёзма ишдан ҳам бу нарса яққол кўринади, яъни ўқувчи яхши балл олади.

Ўқувчилар сўзларни бўғинларга ажратиб тўғри, аниқ талаффуз этишни ўрганиб бўлгач, қийин сўзлар иштирокида гаплар тузишни ўрганиш даври бошланади. Юқоридаги имлоси қийин бўлган сўзлар иштирокида бир нечта гаплар тузамиз ва буни секин, аниқ, тушунарли қилиб такрорлаймиз.

Биринчи синф ўқувчилари алифбони ўрганиб олгандан сўнг юқоридаги талаффуз ва имлоси қийин бўлган сўзларни равон ўқишга ва тўғри ёзишга ўрганадилар. Биз ўқитувчилар ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш учун кичик ҳажмдаги диктантлар ҳам ёздириб туришимиз керак.

Қисқаси, биз, бошланғич синф ўқитувчилари алифбегача бўлган даврда қанчалик эринмасдан астойдил меҳнат қилсак, ўқувчиларимиз шунчалик аниқ ва равон сўзлашни, тўғри талаффуз қилишни ўрганадилар.

Хадича ЖУМАЕВА,
Муборак шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг I-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

«МЕН ҲАМ ФИКР БИЛДИРАЙ», ДЕЙДИГАНЛАР КЎПАЙСИН

Маънавият атамасини кундалик ҳаётимизда тез-тез ишлатамиз-у, у ҳақда қисқа ва лўнда тушунчани изоҳлашга қийналиб қоламиз.

Айниқса, ўрта мактаб ўқувчилари учун бу жараён анча мураккаб кечади.

Маънавиятни энг содда тилда инсон онгида мавжуд бўлган эзгулик деб таърифлаш мумкин. Бироқ бу таърифларни ўрганиш билангина кифояланиш камлик қилади. Шундай қилиш керакки, ўқувчи маънавий хусусиятларини тилда эмас, амалда намоён этсин. Яқинда Сурхондарё вилояти Шеробод тумани халқ таълими бўлими томонидан "Маънавият — кўнгил чироғи" мавзуида мактабларарo кўрик-танлов ўтказилди. Унда иштирок этган фаол ўқувчилар 3 та шарт бўйича маънавий тушунчаларни янада мустаҳкамладилар.

Ўрта мактабда яна бир ҳолат мавжудки, буни урфга айланган нуқсон деб ҳам аташ мумкин. Яъни, кўрикларда фақат синф ёки мактабда энг кўзга кўринган ўқувчиларгина иштирок этадилар. Бир синфда 30 та ўқувчи бўлса, шундан 5 ёки 6 нафари ўз устида ишлай оладиган фаол ўқувчи. Бироқ қолганларчи? Бу кўрсаткичнинг боиси нимада? Сабаб шуки, ўқувчилар орасида ўзаро тоифалар мавжуд.

Биринчи тоифа ўқувчилар: ўз қарашларига эга, бироқ фикрлари билан иштирок этишни хоҳламайдилар.

Иккинчи тоифа ўқувчилар: масъулиятсиз ва лоқайд. Улар бу иштирокни зиммасига юк деб ҳисоблайди.

Учинчи тоифадаги ўқувчилар: қобилияти шаклланмаган, фикрлар тарқоқлиги ва керакли билим, тажрибанинг етишмаслиги натижасида уларда ишончсизлик ҳисси устунлик қилади. Бироқ таъкидлаш керакки, ҳар бир бола ўзига хос қобилиятга эга. Агар ўқув жараёнининг дастлабки даври пухта ва кузатувчанлик билан олиб борилса, бу хусусиятлар юзага чиқади. Бунда бошланғич синф ўқитувчисининг масъулияти катта. Таълимнинг қуйи босқичи диққат марказида туриши бежиз эмас. Шунинг учун туман халқ таълими бўлими томонидан бошланғич синф ўқитувчилари тез-тез синовдан ўтказиб турилади.

Илм фидойиларининг маънавият ва маърифат йўлидаги меҳнатлари зое кетмайди. Кундан-кун такомил ва тараққиёт сари одимлайверади.

Умида САДАТОВА,
талаба

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Ўқувчи ёшлар қалбига миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш, уларда аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига фидойилик туйғуларини тарбиялаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синфларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фани жорий этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур ўқув фанидан миллий истиқлол ғояларининг асосий тушунча ва тамойилларини ўқувчи онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиладиган ўқув дастури ва дарсликларни яратиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Дастур ва дарслик қўлёзмалари матнлари компьютерда терилган, уч нусхада қоғозга босилган ва дискетага ёзилган бўлиши керак. Қўлёзмаларни топшириш муддати 2001 йил 1 майгача.

Танловда совринли ўринларни олган дастур ва дарсликлар учун мукофотлар қуйидагича:

Биринчи ўринга:

Ўқув дастури учун: 7-9-синфлар – 40000 сўм;

Дарслик учун – 7-синф – 150000 сўм, 8-синф – 150000 сўм,

9-синф – 150000 сўм.

Иккинчи ўринга:

Ўқув дастури учун: 7-9-синфлар – 25000 сўм;

Дарслик учун – 7-синф – 80000 сўм, 8-синф – 80000 сўм,

9-синф – 80000 сўм.

Рағбатлантирувчи мукофот (битта):

Ўқув дастури учун: 7-9-синфлар – 18000 сўм;

Дарслик учун – 7-синф – 40000 сўм, 8-синф – 40000 сўм,

9-синф – 40000 сўм.

Қўлёзмаларни қабул қилиш манзили: 700027, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй. Республика таълим маркази, тел.: 1391140, 457213.



Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур номли маҳаллада 12-сонли болалар кутубхонаси ишлаб турибди.

Ушбу маскан, айниқса, таътил кунлари болалар билан гавжум бўлиб кетади.

Суратда: Кутубхоначи Норгул Исмоилова 29-мактаб ўқувчилари Ж.Саидхўжаев, А.Мўминжоновларга китоб танлашга ёрдам бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Bir g'azal tahlili

ҒАЗАЛ

Лабинг сори токим назардур менга.
Ёш ўрнида хуни жигардур менга.
Дема, мендин айрил, доғи умр сур,
Ки ул умр ўлумдин батардур менга.
Тугалар дирам шаклидур зод учун,
Амал сори чунким сафардур менга.
Қилур айб ошиқлигим борча халқ,
Улус айби, ваҳким, ҳунардур менга.
Табибо, яна сабрдин дема сўз,
Ки бу шарбатингдин зарардир менга.
Дема, майни тарк этки, соқий юзи
Бу кўзгу аро жилвагардур менга.
Навоий, ул ой ҳажрида туну кун
Қотиқ шому тийра саҳардур менга.

ЛУҒАТ

ХУНИ ЖИГАР — жигар қони.
ДИРАМ — танга, чақа.
ЗОД — озиқ-овқат.
АДАМ — йўқлик.
УЛУС— халқ.
ТАБИБО — эй табиб.
ЖИЛВАГАР — жилваланган.
ҲАЖР — айрилиқ.
ТИЙРА — қоронғи.
ШОМ — тун, кеча.

МАЗМУНИ

Лабингга кўзим тушганида, ёш ўрнига кўзимдан жигарим қони сизиб чиқа бошлади. "Мендан айрилгину, истаганингча умр сур!" демагин. Чунки сенсиз кечадиган умр менга ўлимдан баттардир.

Танимдаги қотган жароҳатлар танга шаклидадир.Бу тангаларни йўқлик томон сафар қиларимда озиқа учун ишлатаман.

Халқ менинг ошиқлигимни айб қилади. Қизиқ, халқ айб билган нарса менга ҳунардир.

Эй табиб, яна сабрли бўл дея кўрма: деган шарбатинг менга зарар қилади.

Менга "майни тарк эт" демагин. Чунки қадаҳ юзида соқий чеҳраси жилва қилмоқда.

Эй Навоий, ойдин севгилим айрилиғида, шомим қаттиқ кечади, тонгим эса қоронғи.

ШАРҲИ

Ошиқнинг ёр лабига боққанда кўзидан қонли ёш оқишининг боиси бор: қиз лаби — алвон: ошиқнинг ёр учун тўккан кўз ёшлари — қонли, қизилдир.

Ёрсиз умр — ўлим дейилишининг боиси шуки, мумтоз адабиётда маҳбуба ошиқ учун азиз умрдир.

Соқий юзи майда жилва қилишига келсак, бунда тажалли назарияси берилган: майни сўфийлар худога муҳаббат деб биладилар... Майга боқиб ундан илоҳий чеҳра кўрадилар...

Охирги байт шарҳи эса, чиқмаса тун ҳам қоронғи кечади. Тунинг қаттиқ кечиши — азобли ўтганидир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Fanimiz fidoyilari

ОЛМОНШУНОС ОЛИМ

Низомий номидаги ТДПУ инглиз тили факультети қошида ташкил этилган герман филологияси кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Хуррам Раҳимовнинг ҳаёт йўли илмга бағишланди. У аввал Тошкентда, сўнгра Москвада олмоншуносликни ўрганган, 29 ёшида Москвада машҳур австралиялик услубшунос олима профессор Элиза Ризель раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Доцент Хуррам Раҳимов илмий тадқиқотларининг асосини белгилайдиган хусусиятлар ниҳоятда беқиёс. У тилшунослик масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этди. Шу билан бирга олмонча-ўзбекча, ўзбекча-олмонча таржималар назарияси ва амалиёти билан шуғулланди. Олимнинг 50 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп, ўқув ва методик асарлари мавжуд.

Таржимон сифатида олмон тилидан юзлаб халқ эртаклари ва ҳикояларини ўзбек тилига, 30 дан ортиқ ўзбек халқ эртакларини олмон тилига таржима қилиб, икки давлатни бир-бирига яқинлаштирди.

Х.Раҳимов олмон халқ эртаклари поэтикаси ва услубини мукаммал билади. У Муззэус, Бехштайн ва ака-ука Гриммларнинг эртакларини она тилимизга биринчи бор бевосита таржима қилган. 1991 йили "Етти оққуш" номи билан юзга яқин олмон халқ эртаклари тўплами "Чўлпон" нашриётида 200 минг нусхада чоп этилди. Унинг 1990 йил нашр этилган она тилидан олмон тилига ўгирилган "Узбекишефаксмерхен" (Ўзбек халқ эртаклари) тўплами айниқса таҳсинга сазовор.

Устознинг педагогик фаолияти ҳам ибратлидир. Морис Торез номидаги Москва давлат чет тиллар институти аспиранти, ТДЧТПИ катта ўқитувчиси, ТДМУ доценти, Тбилиси университети ва Москва лингвистик университети докторанти ва ҳоказо. Х.Раҳимов қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ёшларнинг севимли мураббийси, моҳир таржимон ва фаол жамоатчи сифатида танилди.

Германиялик фольклоршунос олима ва адиба Габриеле Келлер билан ҳамкорликда Х.Раҳимов ҳозирги кунда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини олмон тилига ўгиряпти ва бу эртаклар тўплами "Самарқанд эртаклари" номи билан Германияда нашр этилиши режалаштирилган. Айни пайтда у катта олмончаўзбекча луғат устида иш олиб боряпти. У Гёте институти билан ҳамкорликда таржимонларнинг республика семинарини бошқаради. Уни моҳир таржимон сифатида кўплаб халқаро симпозиумларга ва музокараларга таклиф этишади. Домланинг ширинзабон таржимонлиги ва одамохунлигидан баҳраманд бўлган Бобур экспедицияси аъзолари "Гео-Сайзон" журналининг 2000 йил 2-сонида шундай деб ёзган: "Тошкентга борсангиз, д-р Раҳимовга мурожаат қилинг: у педагогика университетида доцент. Олмон тилини юқори савияда билади. Кимки у билан бирга бўлса, у ишончли қўлларда деяверинг".

Элмурзо ЭРКАЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН МАСКАН

Каттақўрғон шаҳридаги 19-мактабгача таълим муассасасида 4 та илк ёшли, 3 та боғча гуруҳи мавжуд бўлиб, уларда 130 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир. Муассасада таълим-тарбия жараёни болаларни ақлий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг шахсий қобилиятлари, интилишлари ҳисобга олинган ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатиш, мактаб таълимига тайёрлашга йўналтирилган.

Кичкинтойлар гўшаси каттагина спорт майдончасига эга. Ширинтойларнинг жисмоний ривожланишини таъминловчи таълим-тарбия асосини ҳаракатли ўйинлар, югуриш ва сакраш, сафланиш, чаққон ҳаракат қилиш, чиниқтириш машқлари ташкил этади. Боғчада 3 та олий ва 8 та ўрта махсус маълумотга эга бўлган изланувчан тарбиячилар болажонлар атрофида парвона. Дилбандлар маскани жорий йилда ўтказилган "Қўшиғим — жон қўшиғим" вилоят танловида учинчи, "Севимли ўйинчоқлар" вилоят кўрик-танловларида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Тажрибали тарбиячи Гулбаҳор Салоеванинг болаларга математикани ўргатишга оид иш тажрибаси шаҳар микёсида оммалаштирилган. Муассасага мева қадоқлаш ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилаётир. Муаммоларни имкон қадар ўзлари ҳал қилмоқдалар.

— Муассасамиз, — деди болалар боғчаси услубчиси Саодат Жумаева, — "Навбаҳор" маҳалласи билан яхши ҳамкорлик ўрнатган. Болалар боғчасига қамралмаган кичкинтойларни мактабга тайёрлаш борасида маҳалла яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳа, мазкур масканда тарбияланаётган нозик қалблар вояга етгач, Ватанимиз равнақи йўлида муносиб улушларини қўшадилар, деган умиддамиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда вилоят "Баркамол авлод" жамияти

мамлакатимиздаги барча муҳандис-педагогларни, ўқитувчи ва мураббийларни

ЯНГИ *йил мингйиллик аср*

билан қутлайди.

Асрлар оша яшаш бахти насиб қилганидек, ҳаётингиз асрларга татигулик эзгу амаллар билан давом этсин.

Оилангизга тотувлик, соғлик-саломатлик, юртимизга тинчлик ёр бўлсин!

Боболарим ҳаёти Ҳар ишда бизга ибрат.

Одамлар онгига тириклик, табиийлик нафасини сингдириш бу — моҳир муаллим ихтиёрида катта тарбия воситасига айланиши, шубҳасиз.

Ko'ngil bitiklari

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Менинг улуғ юртимда
Буюк алломалар бор,
Улар руҳи халқимга
Бўлар доим мададкор.

Бобом Марғилонийнинг
Юрти эрур Рошидон,
Илм булоқларининг
Сар чашмаси Марғилон.

Ал "Ҳидоя" китобин
Шарқ олами эъзозлар
Фиқҳ илмин устози
Дея, юртлар ардоқлар.

Истиқлол шарафила
Тикланди кўп ҳақиқат,
Боболарим ҳаёти
Ҳар ишда бизга ибрат.

Маҳмудахон ЭРГАШЕВА,
Бувайда тумани 19-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

ХУМОР-ХУМОР КЎЗЛАРИНГ...

Хумор-хумор кўзларинг
Мен бўлай адолари,
Бир нозли қарашингнинг
Абадий гадолари.

Нигоҳингдан уялиб
Қочиб қолса оҳулар,
Дил атайин тинмайин
Кеча-кундуз ёҳулар.

Киприкларинг кўтарсанг,
Булутлар суянади,
Тунлари нурин сочиб
Юлдузлар таянади.

Киприкларингни қоқма,
Кўзларингдан жой олай.
Мен уларнинг қаъридан
Чиқмайин, мангу қолай.

Ўлсам, сунбул сочларинг
Дорларимга айлансин.
Ё кетсанг, сен-ла кетай
Жоним сочга бойлансин.

Олланазар ОБРОНИЙ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

ЮЛДУЗЛАРНИНГ ЧАМАНИН КЕЗИБ...

Мен туғилган қишлоқ йўллари,
Узатаман қўлларим етмас.
Она, сенинг маъюс кўзларинг
Тушларимга киради бесас.

Армон бўлиб сийратинг дилда,
Қиёсингга тополмай ташбеҳ,
Қачонлардир мен ҳам шу йўлдан
Олисларга отилдим тошдек.

Сув юзига тегиб, солланиб
Мажнунтоллар тилга кирсайди,
Вақт унутган дафтарин олиб,
Хотиралар дилга кирсайди.

Ҳар кўчанинг, ҳар хонадоннинг,
Бошланиши, адоғи дала.
Елкамда мен тунни опичлаб,
Тонгни кутдим ёғворди жала.

Йўллар узра тўкилган меҳнат,
Заҳматлардан келса ҳам ҳориб,
Хира чироқ шуъласида у
Афсоналар тўқирди ажиб.

Юлдузларнинг чаманин кезиб
Тасаввурга сиғмай севинчим.
Қадоқ қўлин юзимга босиб,
Эртак билан ухлар эдим жим.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси

«ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ»
ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ

Халқимиз жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг шонли 10 йиллигини бу мўътабар санага муносиб тўёналар билан кутиб олиш, шодиёналар билан нишонлаш кайфиятида яшамоқда. Кексаю ёш учун энг улуғ, энг азиз бўлган истиқлол айёми мамлакатимизда яшаб ижод этаётган барча-барча адабиёт аҳлини янада юксак савиядаги янги асарлар яратишга даъват этмоқда. Маълумки, адабиёт — миллат руҳиятининг кўзгуси, замон солномасидир. "Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдига улуғ ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли", дейилади Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида. Бу даъват Алишер Навоийдек буюк зот асос солган адабиётимиз аҳлига ҳам бевосита тааллуқли. Шуни эътиборда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Ўзтелерадиокомпания", Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси биргаликда энг яхши бадиий асарларнинг

"ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ"
танловини эълон қилади

Танлов қуйидаги жанрлар бўйича ўтказилади:

*—**"Энг яхши шеърий асар"** (шеърлар туркуми, достон);*

*—**"Энг яхши насрий асар"** (роман, қисса, ҳикоялар туркуми);*

*—**"Энг яхши драматик асар"** (пьеса, кино-, теле-, видеофильм, радиоспектакль);*

*—**"Энг яхши эссе"** (публицистика, адабий танқид, адабиётшуносликка оид асарлар).*

Танловга ҳавола этиладиган асарларда Ватанимизнинг тарихан қисқа муддатда босиб ўтган, мазмунан асрларга арзигулик тарихий йўли, халқимизнинг дунё тан олган гўзал фазилатлари, замондошларимизнинг бой ички дунёси ва менталитетидаги ўзига хослик, жамиятдаги янгиланиш жараёнлари ва инсон руҳиятидаги кечинмалар юксак бадиий маҳорат билан тасвирланиши талаб этилади.

Танловда қатнашадиган асарларда миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур ўрин олаётгани, юртимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишаётган ёш авлод руҳиятидаги ватанпарварлик туйғулари янги услубларда, бадиий жозибали шакл ва мазмунда ифода топмоғи даркор.

Танлов ғолибларини ҳар бир жанр бўйича қуйидаги мукофотлар кутади:

битта биринчи мукофот — 100000 сўм,
иккита иккинчи мукофот — 75000 сўмдан,
учта учинчи мукофот — 50000 сўмдан.

Бундан ташқари, танловга келиб тушган сара асарлар манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар ва бошқа ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади.

Танловга 2000 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эълон қилинган асарлар қабул қилинади (радио ва телевидение орқали эълон қилинган асарларнинг тасмалари илова қилиниши лозим).

Асарлар 2001 йилнинг 31 июлигача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига тақдим этилсин (700000, Тошкент Ж.Неру кўчаси, 1-уй, тел: 133-55-27, "Истиқлол тонги" танловига).

Танловга марҳамат, азиз ижодкорлар!

Xullas...

СУВАРАКЛАР— "БОСҚИНЧИЛАР"

Пекинда "уруш" эълон қилинди. Шаҳар "душманлари" суваракларга бўлиб, кейинги ойлар ичида ҳамма ёқни "қуршовга" олишди.

Пойтахт санитария идорасидан берилган маълумотларга қараганда, 75 фоиз бино ва иншоотлар "душман" исканжасида қолган. Шаҳарда суваракларга қарши "жанг"да иштирок этишни хоҳлайдиганлар учун штаб ишламоқда. Энг тез югурувчи ҳашаротларнинг ҳам тан берадиган ҳоли йўқ. Улар зир югуришиб, жон сақлаш учун бошқа тирқишлар топишяпти.

Бемаза суваракаларга қарши ҳужумнинг дастлабки босқичи ноябрь ойида ўтказилган эди. Аммо улар камайганича йўқ, деб хабар беради "Asiatimes" газетаси.

ТАШРИФДАН СЎНГ

"Янги руслар" деган ибора, маълум бўлишича, "қайта қуриш" даврида ўйлаб топилмаган. XVIII асрнинг бошида Пётр 1 Англияга ташриф буюрганида, британияликлар уларга нисбатан шундай иборани ўйлаб топишган экан.

Пётрнинг Англияга ташрифида муносиб равишдаги ҳашаматлилик кузатилган. Делегация вакиллари катта амалдорлар кутиладиган кошонада меҳмон қилинган. "Қимматли меҳмонлар"нинг бир ҳафталик сафаридан сўнг, ўша кошонанинг мебель билан қопланган деворлари, картиналари сигарета чўғи туфайли яроқсиз ҳолга келган.

Улар кетгач англияликлар ярим ҳазил, ярим чин қилиб, москваликларнинг ўзини тутишларига қойилмиз, дейишган экан.

КЛИНТОН— ДИРИЖЕР

Истеъфога чиққан АҚШ президенти Билл Клинтоннинг қизиқишлари чексиз. Санъат — унинг жони-дили. Теннис ўйнашни ҳуш кўради.

Яқинда у Американинг маданият ва санъат арбобларини тақдирлаш маросимида шахсан иштирок этиб, Барбара Стрейзанд ҳамда Михаил Баришников каби санъат фидойиларининг қўлини олди.

Тантанали маросим сўнгида Билл Клинтон симфоник оркестрга саксофонда дирижёрлик қилди. Ундан буни кутмаган тантана иштирокчилари қарсак устига қарсак ёгдиришди!

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ХТБ ва тумандаги Фаттоҳ Умаров номидаги 276-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб директори Носир Раҳимовга онаси

Маъпура ҲОЖИБЕКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА

Ҳар бир мамлакатда янги йил урф-одатлари турлича бўлганидек, унинг кириб келиш вақти ҳам ўзгачадир. Бу мавжуд тақвимларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ ҳодисадир. Масалан, янги йил Ҳиндистоннинг жанубида март, шимолида апрель ва ғарбида октябрь ойларида нишонланади. Африка давлатлари бўлмиш Эфиопия ва Мянмада йил алмашинуви сентябрь ва апрель ойларига тўғри келади.

Вьетнам, Корея, Япония ва бошқа Узоқ Шарқ мамлакатларида бу ҳодиса қадимий 12 йиллик тақвим асосида бошқарилади.

Бизга маълумки, милодий йил алмашинуви 31 декабрдан 1 январга ўтар кечасидир. Лекин бу фақат XVIII асрга келиб, шундай белгиланди. Масалан, Буюк Британияда 1 январь фақат 1751 йилга келиб, йил бошланиши деб ҳисобланган. Ундан олдин эса бу юртда 25 мартни шундай атаб келишган.

Фарҳод ИРДАШЕВ тайёрлади.

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Иззатулло ЁҚУБОВ!

Сизни муборак 50 ёшингиз билан қутлаб, узоқ умр ва бахт-соадат тилаймиз.

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчилари жамоаси

Sport maydonchasi

ЖАҲОН КУБОГИГА ЙЎЛЛАНМА

Янги йил арафасида пойтахтимиздаги "Динамо" спорт мажмуида самбо бўйича Ўзбекистон кубоги баҳолари бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 17 та жамоа таркибида 2000 нафардан зиёд курашчи қатнашди. 9 вазн тоифасида аниқланган ғолиблар Францияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашадиган бўлди.

ИРОДА КУЧЛИ ЮЗЛИКДА

Дунё теннис таснифнинг янги асрдаги кучлилар рўйхатида 2000 йил мусобақаларида ишончли иштирок этган ўзбекистонлик Ирода Тўлаганова ҳам муносиб жой олди. Жадвалда 434 очко билан 75 ўринни эгаллаб турган ҳамюртимизнинг янги йилдаги имкониятлари мутахассислар томонидан янада юқори баҳоланмоқда.

ОМАДСИЗЛИК ЭСКИ АСРДА ҚОЛСИН

Ўзбек футболи ҳақида гап кетганда оддий ишқибоз ҳам, мутасаддилар ҳам, ҳатто футболчиларимизнинг ўзлари ҳам имкониятларимизни юқори баҳолашади. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган Ўзбекистон футбол федерациясининг навбатдаги йиғилиши "омадсизлик"дан қутилиш масаласига бағишланган ҳам бежиз эмас. Йиғилишда терма жамоанинг янги мураббийси В.Сальков барчани 2001 йилги иш режаси билан таништирди.

ЯНГИ АСРГА ЯНГИ ЧЕМПИОН БИЛАН

Якунланган асрнинг сўнгги жаҳон тожи учун кечган беллашувларида шахмат олами ўзининг янги тождорини кашф этди. Эндигина 25 ёшга қадам қўйган Крамник ҳамюрти Каспаров устидан қозонган ғалабаси билан кўҳна Лондонда кўплаб ихлосмандлар эътиборига тушди ва спортнинг бу тури бўйича аср рўйхатини бошқарадиган бўлди.

ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Россия 2001 йилги дастлабки чемпионини аниқлади. Муз устида якка учиш бўйича петербурглик Е.Плющенко ўз фаолияти давомида энг юқори балл (6) билан рақиби жаҳон чемпиони А.Ягудинни ортда қолдириб, мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. Янги чемпион 18 ёшда.

МАКТАБДА ҲАЁТ ЎЗГАЧА

Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманида махсус умумтаълим муассасаси бор. 1982 йилда ташкил топган масканда ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсони бўлган 170 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактаб директори Елена Измайлова бошчилигидаги 46 нафар педагог-ходимлар ўқувчиларни катта ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашни энг асосий мақсадлари деб биладилар.

Бугунда ўрта ва юқори синф ўқувчилари тикувчилик, дурадгорлик , чилангарлик дарсларидан сабоқ олишиб, миллий кийим тикиш, уй-рўзғор жиҳозлари ва асбоб-ускуналар тайёрлаш сирларини ўрганиб боришмоқда. Жумладан, "Кийимни таъмирлаш ва қайта тиклаш" , "Уй-рўзғор юмушлари", "Уста" тўгаракларида олиб борилаётган машғулотларда ҳам ўз билим ва тажрибаларини кенгайтиришмоқда.

Ўз навбатида, мактаб ўқитувчиларининг доимий изланувчанлиги, саъй-харакатлари туфайли дарс жараёнлари ниҳоятда қизиқарли ташкил этилган.

— Амалий жиҳатдан ривожланишдан ортда қолган ўқувчилар шахсиятини ўрганиш, улар имкониятларини кенгайтириш даргоҳнинг асосий мақсадларидан хисобланади. Энг муҳими, болаларимизнинг яшаш ва ўқишлари учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш керак. Токи улар ҳамма билан ўзларини бир хилда ҳис этишсин, -дейди директор.

Умумтаълим ва ёрдамчи мактаблар ўртасидаги фарқни йўқотиш учун барча дарсларда тест-топишмоқлардан фойдаланилади. Шунингдек, кўпгина фанлар бўйича олимпиада мусобақалари шу ерда ўтказилиб, билимлар рейтинг асосида баҳоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб маъмурияти жорий йилда вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги тил маркази билан шартнома тузди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, ҳозирда мактабда бешинчи синф ўқувчилари учун инглиз тилини ўрганиш гуруҳлари доимий ишлаб турибди. Даргоҳ айни пайтда тўлиқ ишлаётган бўлиб, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун кўплаб танловлар, байрамлар, учрашувлар ўтказиб турилади.

Мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг аксарият қисми кам таъминланган оилалардан бўлгани учун туман ҳокимлиги мактабни ўз ҳомийлигига олиб, ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, "Қизил Ярим ой " жамияти, "Соғлом авлод учун ", "Экосан" жамғармаларидан ҳам турли дарсликлар, қалам, ручка, ўйинчоқлар, кийим-кечак, пойафзал сингари керакли нарсалар етказиб турилмоқда

Дарҳақиқат, мактабда ҳаёт давом этмоқда. Турли муаммолар, иқтисодий қийинчиликлар секин-аста, ижобий ҳал этилаётир. XXI аср бўсағасида мактаб тўққиз йиллик ўқиш тизимига ўтади. Бу эса тарбияланувчилардан янада изланиш, интилиш ва ташаббусни талаб этади.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси

Bilasizmi?

Кўпчилик Шарқ мусиқашунослиги намояндаларидан бири, бастакор, раққос, ҳофиз ва шоир Борбад ҳақида билмаса керак.

Ҳатто, Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Хисрав, Жомий ва Навоий сингари алломалар ҳам Борбад ижодидан баҳраманд бўлганлар. Борбад асли марвлик бўлиб, VI аср охири VII аср бошларида яшаб ижод этган. У йигитлик чоғларидаёқ халқ куйларини маҳорат билан чалиш ҳамда қўшиқ айтишда ном чиқарган. Замонасининг ҳукмронлари Борбадни ўз саройларига жалб этмоқчи бўладилар. Аммо, Борбад Эрон шоҳи Хусрав Парвиз ҳузурига боради ва унинг эътиборига тушади. Хусрав Парвиз уни санъаткорлар сардори этиб тайинлайди. Ўша даврнинг машҳур санъаткору бастакорлари, созандаю раққослари Борбад даҳоси олдида бош эгганлар. Табиатан шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раққос бўлган Борбад ижодининг илк паллаларидан бошлаб асарларида табиат кўрки, баҳорнинг бетакрор чиройи, ҳаёт нашидасини куйлашга, ифодалашга интилган. Унинг аксарият куйлари ўз шеърлари матнига ёзилган. Зеро, ўша даврдаги ҳижоли, бармоқ вазнига яқин бўлган янги шеърий шаклнинг ихтиро қилиниши ҳам Борбад номи билан боғлиқ. У ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб "Хусравоний" оҳанглари тўпламини, ойнинг ўттиз кунига қиёслаб ўттиз куй, мақом йўли, йилнинг уч юз олтмиш кунбағишлаб уч юз олтмиш тарона яратган.

БОРБАДДАН ҚОЛГАН ҲИКМАТ

Борбад яратган куй ва тароналарнинг кўпчилиги бизнинг замонамизгача ўзгаришсиз етиб келган. Мусиқашуносларнинг аниқлашича, Борбад чолғу асбобини ҳам Борбад ихтиро қилган экан. Борбад араб мамлакатларида Борад, Бахлбад, Пахлапаз ва Фахлбаз тахаллуслари билан кенг шуҳрат қозонган.

Маълумки, Хусрав Парвиз Борбаднинг ҳомийси бўлиб, унинг санъатига қаттиқ кўнгил боғлаган ва унинг ижодини ниҳоятда қадрлар эди. Ўз ўрнида Борбад ҳам ҳомийси Хусрав Парвиз борасида яхши фикрда бўлиб, унинг илм-фан, мусиқага бўлган қизиқишини бениҳоя қадрлаган.

Ўша давр созандаси Некисо Чангий Борбаднинг сўнгги йиллари ҳақида нақл қилган. Унда айтилишича, Хусрав ўз ўғли Шеруя томонидан ўлдирилганини эшитган Борбад тонг саҳарда саройга чопибди. Ўзининг хос хонасида қонга беланиб ётган ҳомийси Хусрав Парвизни кўриб, зор-зор йиғлабди. Ўзи ювиб-тарабди, дафн маросимида бош-қош бўлибди. Шоҳни мақбарага элтиш йўлида машҳур "Хусравоний" куйини чалиб борибди. Ҳомийсини ўз қўли билан қабрга қўйибди. Дафн маросими ҳам ғарибона бир тарзда ўтибди. Борбад дафн маросимидан сўнг тўғри уйига келиб, аввал созини синдирибди, сўнгра бармоқларини болта билан чопибди, кейин уйига ўт қўйиб, дарвешона ҳаёт кечиришни ихтиёр этибди. Хусрав вафотидан олти ой ўтгач, фитначилар Шеруяни ҳам ўлдириб кетишибди. Шунда Барбод ушбу сатрларни битибди:

"Падаркуш подшоҳиро нашояд,
Агар шояд, зи шашмоҳи напояд".

Шеруя, Абдулатиф каби падаркушлар мисолида ҳаётий исботини топган, отасини ўлдирган фарзанд шоҳликка ярамайди, яраса ҳам олти ойдан нарига ўтмайди, деган ушбу ҳикмат Борбаддан қолган экан.

Фаррух АЗИМОВ,
ЎзМУ журналистика факультети II курс талабаси

КРОССВОРДЛАР ТЎПЛАМИ НАШРДАН ЧИҚДИ



"Маърифат" газетасида тақдим этилаётган кроссвордларнинг кўпчилигининг муаллифи Фозилжон Орипов эканлиги муштарийларга аён. Фозилжон аканинг кроссвордларини республикамиздаги барча газеталарда учратиш мумкин. Газеталардаги кроссвордлар жавобини тополмай, жиғибийрон бўлаётган муштарийлар учун Фозилжон Орипов "Кроссвордлар тўплами"ни ҳам эълон қилишга улгурди. Яқинда "Бошланғич таълим" кутубхонаси томонидан Фозилжон Ориповнинг ҳар хил мавзудаги кроссвордлар тўплами эълон қилинди. Унда берилган тарози шаклидаги "Муаммонома"сини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Унда яширинган сўзларни топиб ўқисангиз, ўзбек мумтоз шоири, темурийзода, давлат арбоби, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳикматларидан бирини билиб оласиз.

МУАММОНОМА

Унда аввало, шакл айланаларини "В" ҳарфидан бошлаб, 1 дан 14 га қадар кетма-кет рақамлаб чиқасиз. Сўнг "Тарози"даги рақамларни айланалардаги мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этасиз.

Fikr

СОХТА ТЎЗАЛЛИК

Барчага маълумки, гул — гўзалликнинг энг ёрқин тимсолидир. Шунинг учун ҳам ёшу қари яъни ўзи сезмаган ички бир ҳис билан табиатга яқинлашаркан, ўзининг энг нозик туйғуларини гулга бўлган муносабатида ифодалайди. Гул инсонга туғилганидан то умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади. Бу тўғрида кўп гапириш мумкин, аммо, афсус, муаттар ҳид таратувчи атиргуллар, бизга яшнаб боқиб турувчи лолалару бойчечакларни турмушимиздан сиқиб чиқараётган сунъий гуллар ҳақида ҳам тўхталиш жоиз бўлаяпти.

Бугунги кунда сунъий гул шодаларини, кўриниши кўркаму, аслида совуқлик таратиб турган пальмаларни деярли ҳамма жойда: раҳбарлар кабинетларида, давлат ва жамоатчилик ташкилотларида, хонадонларда, халқ таълими муассасаларида кўриш мумкин. Кейинги 2-3 йилда бундай бозоргир маҳсулот билан савдо қилувчи махсус дўконлар ҳам пайдо бўлди.

Ким билади, дейсиз, ҳойнаҳой одамлар баъзи хизмат ва ўқув хоналарини кимёвий гуллар билан безашни замонавийлик деб тушунишар, бу ҳаракат билан ёшларнинг эстетик тарбиясига ҳисса ҳам қўшаётгандирлар. Бир неча йилдирки, ўқув муассасаларида маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этилмоқда. Бу ерда ҳам сунъий гуллар иззатда. Наҳотки, маърифат ташкилотлари ва педагоглар маънавият билан сунъийлик ўт билан сувдек бир-бирига қарамақарши тушунчалар эканлигини билмасалар?!

Дарҳақиқат, сунъий гуллар чиройли кўринади, лекин мен бундай гуллар "чиройи"ни қор маликасининг совуқ чеҳрасига ўхшатаман. Мутахассисларнинг айтишича, ҳар қандай кимёвий жисмнинг одам организмига салбий таъсири бор. Эътироф этиш керакки, сунъий гуллар керак бўладиган жойлар, ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Улар театрда саҳна безаги сифатида ишлатишга қулай. Катта маросимлар ўтказиладиган жойларда ҳам қўл келади. Бошқа вақт эса сунъий гуллар ўринсиз. Кераксиз нарсани эса гўзаллик деб бўладимми?

Табиий гул очилишини ойлаб, баъзан йиллаб кутамиз, ниҳоят бир кун эрталаб гул чирой очиб туради — бу инсон учун бахтли онлардир. Бир неча кундан кейин гуллаш даври ўтади. Лекин яна кутиш, эзгулликни кутиш даври бошланади. Одамлар онгига тириклик, табиийлик нафасини сингдириш бу — моҳир муаллим ихтиёрида катта тарбия воситасига айланиши, шубҳасиз. Бу борада албатта, биринчи навбатда, муаллимнинг ўзи табиий гул шайдоси бўлмоғи лозим.

Қ.НОСИРОВ,
НамДУ доценти

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-2017. Тиражи 36.750. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди —